

ЎЎЗАНИНГ ФЕНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА СТРЕСС ОМИЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Ханжанова М.Р

Бухоро давлат университети ўқитувчиси

Ғапурова У.О

Шарипова Ш

Остонова Г

Бухоро давлат университети магистрантлари

Аннотация: Мазкур мақолада Бухоро-10 ўўза навининг фенологик кўрсаткичларига стресс омиллардан шўрланишнинг таъсири ўрганилди. Натижада, ўртача ва кучли шўрланган ўтлоқи – аллювиаль тупроқлардаги ўўзанинг фенологик кўрсаткичлари, назорат варианты(шўрланмаган)га нисбатан вегетация охирида ўртача бўйи 20 см ва 36 см; кўсақлар сони мос равишда: 2,2 дона ва 7 дона камайиши аниқланди.

Калит сўзлар: стресс омиллар, Бухоро-10 ўўза нави, шўрланиш, фенологик кўрсаткичлар, стимуляторлар, иммуностимуляторлар

Аннотация: В данной статье изучено влияние засоления от стрессовых факторов на фенологические показатели сорта хлопчатника Бухара-10. В результате фенологические показатели на средне- и сильнозасоленных лугово-аллювиальных почвах в конце вегетации хлопчатника, по сравнению с контрольным вариантом (незасоленным), средняя высота 20 см и 36 см; количество коробки уменьшилось на 2,2 и 7 соответственно.

Ключевые слова: стрессовые факторы, сорт хлопчатника Бухара-10, засоление, фенологические показатели, стимуляторы, иммуностимуляторы

Annotation: In this article, the influence of salinity from stress factors on the phenological indicators of the cotton variety Bukhara-10 was studied. As a result, phenological indicators on medium and highly saline meadow-alluvial soils at the end of the cotton growing season, compared with the control variant (non-saline), the average height is 20 cm and 36 cm; the number of boxes decreased by 2.2 and 7, respectively.

Keywords: stress factors, cotton variety Bukhara-10, salinity, phenological indicators, stimulants, immunostimulants

КИРИШ

Республикаимиз деҳқончилигининг асосий ва етакчи тармоғи бўлмиш пахтачилик мамлакат иқтисодиётида валюта келтирувчи манбалардан бири ҳисобланади. Ўўзадан эртаки, сифатли, жаҳон бозори талабига мос, мўл пахта ҳосили етиштириш долзарб масалалардан саналади.

Ҳаммамизга маълумки, Бухоро вилоятининг тупроқлари турли даражада шўрланган бўлиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда айниқса ғўза парваришда деҳқон ва илғор фермер хўжаликларининг машақатли меҳнати эвазига ҳосил олишга эришилмоқда. Шунингдек, иқлим шароитида кузатиладиган турли хил стресс ҳолатларнинг юзага келиши натижасида йилдан-йилга ғўза ўсимлигидан юқори ва сифатли ҳосил олиш имкониятини чегараланмоқда [1].

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Мана шундай стресс омиллардан шўрланишнинг Бухоро-10 ғўза навининг фенологик кўрсаткичларига таъсирини билиш мақсадида 2021-2022 йиллар давомида Қоракўл тумани “Сандувоч замин” ва Бухоро туманидаги “Азимов Рўзи Умурович” фермер хўжалиги майдонларида тажриба ўтказилди.

Тажриба ўтлоқи-аллювиал тупроқларида олиб борилиб, вариантлар уч қайтириқда, назорат варианты шўрланмаган ва синов вариантларида шўрланган даражадаси ўртача ва кучли ер танланди. Тупроқнинг шўрланиш даражаси аниқлашга мўлжалланган махсус рН метр орқали аниқланди.

Тадқиқотда дала шароитида ўтказилган барча таҳлил ва фенологик кузатувлар ЎзПТИ ва ВНИИХСЗР да ишлаб чиқилган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”[2] асосида олиб борилди. Олинган маълумотларга математик ишлов беришлар Б.Доспехов [3] усулида аниқланди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Уруғлик чигитлари тажриба тизмига мувофиқ май ойининг бошида турли даражада шўрланган ерларда екилиб, ўсиш ва ривожланиш динамикасини аниқлаш мақсадида, ҳар ойнинг (июнь, июль, август, сентябрь) биринчи декадасигача ўсимлик бўйи, ҳосил шохи, шона, гул, кўсақлар сони ва шундан очилгани стандарт усулида аниқланиб, таҳлил ишлари олиб борилди (1-жадвал).

1-жадвал

Турли даражада шўрланган ерларда ўстирилган ғўзанинг фенологик кўрсаткичлари, 2021 йил

№	Вариантлар	Июнь		Июль					Август				Сентябрь			
		Бўйи, см	Чинбаргсони, дона	Бўйи, см	Ҳосил шохи, дона	Шонаси, дона	Гули, дона	Кўсаги, дона	Бўйи, см	Ҳосил шохи, дона	Гули, дона	Кўсаги, дона	Бўйи, см	Ҳосил шохи, дона	Кўсаги, дона	Очилгани, дона
1.	Назорат	16,4	6,0	42,1	7,1	6,1	1,1	0,1	70,5	11,6	4,2	6,1	98,0	15,0	12,1	5,1
2.	Ўртача шўрланган	16,0	5,7	39,8	5,8	5,6	1,0	0,0	63,6	12,1	5,1	5,5	78,0	13,0	9,9	4,8
3.	Кучли шўрланган	13,7	4,8	33,6	4,9	4,5	0,1	0,0	49,3	12,5	3,6	2,9	62,0	9,8	5,1	3,0

Олинган натижаларга кўра, шўрланмаган ерда экилган Бухоро-10 ғўза навининг бўйи июнь ойида назорат вариантыда 16,4 см, синов вариантларидан шртача шўрланган ерда 16,0 см ва кучли шўрланган ердаги ғўза ўсимлигининг бўйи 13,7 смни ташкил этди. Ғўза вегетация охирида ўсимликнинг бўйи мос равишда: 98,0 см; 78,0 см ва 62,0 смларни ташкил этиб, назорат вариантыда ўсимликнинг бўйи кучли шўрланган ерга нисбатан 36 см ортиқ бўлиши аниқланди. Бухоро-10 ғўза навининг барг сони вегетация давомида таҳлил этилганда, июнь ойида чинбарглари сони назорат вариантыда 6 та, ўртача шўрланган ерда 5,7 дона ва кучли шўрланган ерда 4,8 донани ташкил этиб, ғўза вегетациясининг охириги даврида мос равишда: назорат вариантыда ўртача 37,0 дона, ўртача шўрланган ерларда 33,5 дона ва кучли шўрланган ерларда ўстирилган вариантларда 20,3 донани ташкил этиши аниқланди. Иқтисодиётимиз учун амалий аҳамиятга эга бўлган ғўзанинг кўсақлари сони ва очилган пахта сарҳисоб этилганда, назорат вариантыда вегетация охирида кўсақлари сони 12,1 дона, 2 ва 3 вариантларда мос равишда: 9,9 дона ва 5,1 донани ташкил этиб, назорат ва 3 вариант ўртасидаги фарқ 7,0 донани ташкил этди.

Демак, ноқулай стресс омиллари ва касалликлар ғўзанинг фенологик кўрсаткичларига салбий таъсир этиб, ҳосилдорликнинг кескин камайишига сабаб бўлади. Шу боисдан, ғўза ўсимлигининг ноқулай стресс омиллардан шўрланишга бардошлилигини ошириш учун чигитларни шўрга нисбатан чидамлилиқ ҳосил қилиб экиш, далада яхшигина агротехник талбирларни олиб бориш ҳамда ўсимликларни ўсиши ва ривожланишини яхшиловчи стимулятор ва иммуностимуляторларни қўллаш [4],[5],[6] мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Холиқулов Ш., Узоқов П., Бобохўжаев И. Тупроқшунослик. Дарслик. Тошкент, 2011.
2. «Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатником». САЮЗНИХИ, Ташкент, 1973, 225 с.
3. Dospekhov B.A. Methods of conducting field experiments. Kolos, Moscow. - 1989.- p. 42.
4. Ikramova M. L., Atoeva R. O. The effect of the use of Zerox immunostimulants on the germination, formation and development of the root system of cotton //Bulletin of Gulistan State University. – 2019. – Т. 2019. – №. 3. – С. 55-59.
5. Atoeva R.O. "Zerox" relatively increases the resistance of cotton to root rot // Academics: International interdisciplinary Research Journal.
6. Odilovna A.R. Influence of the Immunostimulant Zerox for Pure Photosynthesis Efficiency of Bukhara-10 Cotton //Eurasian Journal of Research, Development and Innovation. – 2022. – Т. 7. – С. 30-34.